2006 йил, 5 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (10.560)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Учтепа туманидаги 2-трамвай депосида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Гиёвандликка қарши кураш» деб номланди.

● **КЕЧА** «Роҳат» маҳалласида Бектемир туман хотин-қизлар қўмитаси, туман прокуратураси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Қўшчинор», «Туркистон», «Матонат», «Қашқар», «Минор», Шариф Мансурхўжаев маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан «Кўчма арча» лойиҳаси доирасида байрам тантаналари уюштирилди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Қўштут», «Чимбой», «Гуручариқ» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида Арча байрами тантаналари ўтказилди.

● **БУГУН** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган семинарда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг муҳим омиллари тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги Олим Аширов, «Маърифат», «Бектемир», «Миришкор» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар табриги» мавзуида байрам тадбири ўтказилди.

● **«ОБОД»** ва «Бинокор» маҳаллаларида яшовчи имконияти чекланган болажонларга «Камолот»дан туҳфа» лойиҳаси доирасида Янги йил тантаналари «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими томонидан ўтказилиб, совғалар берилди.

● **АВИАСОЗЛАР** маданият саройида Арча байрами тантаналари бўлиб ўтди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги Шотурсун Ғуломов, «Мевазор», «2-Қатортол», «Меҳржон», «Бўрижар», «Ўн еттинчи мавзе» маҳаллаларида имконияти чекланган болаларга «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Камолот»дан туҳфа» лойиҳаси доирасида байрам совғалари туҳфа этилди.

● **УЧТЕПА** туманидаги «Хуросон», «Ҳамза», «Ўриксор», «Дўстлик», «Қўрғонтепа», «Боғистон», «Боғобод» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман бўлими Кенгаши томонидан «Камолот» туҳфаси» лойиҳаси доирасида уюштирилган Янги йил байрами тантаналарида ёлғиз қариялар, имконияти чекланган оилалар фарзандлари иштирок этишди.

● **«ШИРИН»** маҳалласида Янги йил муносабати билан ёлғиз қариялар иштирокида хайрия тадбири ўтказилди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги «Роҳат», «Зилола», «Истиқбол», «Миришкор» маҳаллаларида яшовчи ёлғиз карияларга, ногиронларга Янги йил муносабати билан «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгашининг совғалари туҳфа этилди.

● **ЯНГИ** йил арафасида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Туркуваз гипер» маркетида қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**





*Иқтисодиёт*

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — ЮҚОРИ СИФАТ ГАРОВИ

**"GOLORFLEX" ЎЗБЕКИСТОН-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ФАРМАЦЕВТИКА, КИМЁ, АВТОМОБИЛЬ ВА БОШҚА СОҲАЛАРГА ЗАРУР ЁРЛИҚЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТАКЧИ ЖАМОАЛАРДАН САНАЛАДИ.**

Корхона ҳозирда ҳар жиҳатдан замон талабларига жавоб берувчи юксак технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, улар орасида Nelpiter FA-3300 UV 7 хил рангдаги босма машинаси Даниянинг Nelpiter компаниясида ишлаб чиқарилган. Ушбу техник линия нафақат сув ва спиртли бўёқларда, балки ультрабинафша рангда ҳам ишлаш имкониятига эга.

Шунингдек, корхона цехлари Англияда ишлаб чиқарилган Newjoil ускунаси, Канаданинг Rotoflex, яъни назорат-ҳисоблаш-кесишга мўлжалланган ускунаси ва Франциянинг Photomeca фирмасида ишлаб чиқарилган Rotoflex — босма шакл тайёрловчи ускуналари билан жиҳозланган.

Ҳозирда маҳсулот ёрлиғи ўша маҳсулотнинг сўнгги "сотувчи"си эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ҳар қандай бозорда рақобат бўлгани каби маҳсулот тури қанча кўп бўлса, харидорда ҳам танлаш имконияти пайдо бўлади. Бунда эса маҳсулотнинг ташқи кўриниши, унинг ёрлиғи нечоғли чиройлик бўлса ўз-ўзидан ўша маҳсулотга эътибор кучаяди. Буни яхши англаб етган "Golorflex" корхонаси ходимлари ўзларига топширилган ишни аъло даражада уддаламоқдалар десак хато қилмаган бўламиз.

Бу ерда тайёрланаётган турли хилдаги ёрлиқлар хом ашёсининг сифатлилиги билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Зеро, УФ-бўёқлари ва лакларидан фойдаланиш ёрлиқларнинг ажойиб кўринишга эга бўлишига имкон яратади.

Ранг-баранг, ялтироқ, ёпишқоқ ёрлиқлар, харидорлар эътиборини тортувчи юмшоқ қадоқлаш ашёлари ишлаб чиқарадиган корхонанинг бугунги кундаги буюртмачилари сони ошиб бормоқда. Корхона "Ўзмевасабзавотузумхолдинг", "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзбексавдо" акциядорлик компаниялари ва бошқа кўплаб корхона, ташкилотлардан, шунингдек, сут, гўшт, балиқ, қандолат маҳсулотлари, турли озиқ-овқат товарлари ва дори-дармонларни қадоқлаш учун буюртмалар қабул қилиб, уларни шартнома асосида етказиб бермоқда.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**СУРАТЛАРДА: қўшма корхона иш жараёнидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Жамоатчилик фикри*

## 2006 ЙИЛ — ХАЙРЛИ ИШЛАР ЙИЛИ

**2006 ЙИЛНИНГ ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАНЛИГИГА ЯНА БИР ЯҚҚОЛ ДАЛИЛ БЎЛДИ.**

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази пойтахтимиз аҳолиси ўртасида ўтказган сўров қатнашчиларининг аксарияти шундай фикрда. Сўралганлар Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2006 йилда жамиятимиз олдига қўйган вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилган.

Ижтимоий тадқиқот шуни кўрсатдики, сўралганларнинг кўпчилиги «ҳомийлик» сўзининг маъноси ва моҳиятини яхши тушунади.

Жумладан, 41,3 фоиз одам бу — «муҳтожларга ёрдам бериш», 19,5 фоиз - «яқинда иш бошлаган ва қийин аҳволга тушиб қолган корхона ва ташкилотларга ёрдам бериш» деб жавоб берган, сўров иштирокчиларининг 15,5 фоизи ҳомийлик билан шуғулланиш «ёрдам қўлини чўзиш ва одамларга яхшилик қилиш», 13,8 фоизи - «шафелик ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиш» деб ҳисоблайди. Айни пайтда сўралганларнинг 32,5 фоизи ҳомийлик билан шуғулланаётганларни кўнгли очиқ одамлар, 28,3 фоизи - мурувватли ва меҳрибон, 21,6 фоизи - шафқатли ва самимий, яхшилик қилувчилар деб билади.

Сўров қатнашчиларига қариндош-уруғлари, қўшнилари, ҳамкасблари орасида шундай одамлар борми, деган савол берилди. Кўпчилик бу саволга ҳам ижобий жавоб қайтарди. Ҳомийлик қандай тарзда ифодаланишини ўрганиш шуни кўрсатдики, у болалар боғчаси, мактаб, шифохона, эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилалар, меҳрибонлик уйлари, ногиронларга ёрдам, маҳаллаларни ривожлантириш учун маблағ ажратиш шаклида намоён бўлади.

2006 йил мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам муҳим йил бўлади. Тадқиқот давомида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини қандай яхшилаш хусусида фикрлар билдирилди.

Сўралганларнинг ярми тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва тиббиёт муассасаларининг замонавий ускуналар билан таъминланишини кенгайтириш зарур деб ҳисоблайди. Кўпчилик тиббий таълим соҳасини янада ривожлантириш, тиббиёт ходимлари маошини ошириш лозим, деган фикрда. Мазкур саволларга жавобларда давлатимиз раҳбари томонидан бу вазифаларни ҳал қилиш чоралари кўрилганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон аҳли 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳар томонлама хосиятли бўлишини кутмоқда. Улар мамлакат соғлиқни сақлаш тизимининг янада такомиллаштирилиши, янги йилда юқори сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдалана олишига умид қилмоқда, жамиятда ҳомийликни ривожлантириш учун шароит яратиш борасидаги ишларни давом эттириш зарур деб ҳисобламоқда.

Ўтказилган ижтимоий тадқиқотнинг муҳим натижаларидан бири шуки, сўралганларнинг аксарияти имкон қадар ҳомийлик қилиш, муҳтожлар, беморларга ёрдам беришга тайёрликларини билдирган. Сўралганларнинг 89,8 фоизи шундай фикрда. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, мамлакатимизда умуминсоний ва миллий қадриятлар кенг маънода тушунилади, аҳоли бутун жамият фаровонлигини ошириш ва айни пайтда ҳар бир фуқаро манфаатлари ҳимоясини яхшилашга қаратилган ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.**

*Муносабат*

## КЎТАРИНКИ РУҲ БАҒИШЛАДИ

**Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, профессор:**

Юртбошимиз томонидан мамлакатимиз аҳолисини янада қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлик посбонлари— шифокорлар меҳнатини қадрлаш, халқ саломатлигини асраш сингари хайрли мақсадларни кўзлаб, янги йилимизни «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб номлангани шунингдек, Янги йил байрами арафасида халқимизга табриги барча ҳамюртларимиз ва тиббиёт ходимлари қатори бизнинг институт жамоасининг ҳам қалбини фахру қувончга тўлдирди. Бу албатта ҳукуматимизнинг эл соғлиғига ғамхўрлиги, тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш, уларга бўлган юксак эътибор демакдир. Буни ҳар биримиз чуқур мамнуният билан кутиб олдик. Шуни айтиш жоизки, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар, улар асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар тиббиёт ходимларининг моддий аҳволини сезиларли даражада яхшилаш билан чеклангани йўқ. Унинг асосида тиббиёт ходимларининг меҳнатини босқичма-босқич, атрофлича унумли ва одилона баҳолаш тадбирлари кўрилмоқда, турли соҳа ва поғонадаги мутахассис ва ходимларни, шифокорлар, провизорлар, ҳамширалар, кичик тиббий ходимларни ўзи устида мунтазам ишлашга, илмий ва амалий билимларини, малакасини оширишга ундамоқда, самарали рағбатлантириш механизми жорий этилмоқда. Айниқса ўқитувчилар ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 1,5 марта оширилиши соҳа ходимларини беҳад қувонтирди. Бу албатта мамлакатимизда тиббий ёрдам сифатининг оширилишига, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасининг янада ортишига олиб келиши шубҳасиздир.

Ҳозирги кунда институт клиникаси 12 та лаборатория ва текширув кабинетига эга бўлиб, тиббий ёрдамни замонавий талаблар даражасида амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. 9 нафар фан доктори, 30 дан ортиқ фан номзодлари, олий ва биринчи тоифали мутахассис шифокорлар мамлакатимизда самарали илмий изланишлар, амалий тиббий ёрдам тадбирларини ўтказишда салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғона шаҳридаги Фуран бирикмалари кимё корхонасининг фойдаланилмай турган санаторий-профилакторийси саховатпеша ҳомийлар кўмагида тўла қайта таъмирланиб, билим оладиган, ҳордиқ чиқарадиган хоналар, ётоқхоналарга айлантирилди ва «Мурувват уйи»нинг янги биноси сифатида болалар ихтиёрига берилди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходимлари Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки кунларида Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 700 минг сўмликдан ортиқ кийим-кечак, ўқув қуроллари, дарсликлар совға қилди.**

**● Сурхондарёдаги бугунги кунда энг йирик энергетика иншооти — «Сурхон-500» подстанцияси капитал таъмирдан чиқарилиб, тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлади. Таъмирлаш ишларининг юқори сифатли ва жадал суръатларда амалга оширилганлиги учун бир гуруҳ мутахассислар рағбатлантирилди.**

**● Сурхондарё вилоятидаги 25 минг аҳоли яшайдиган Зарабоғ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳаётида Гумдахна дарёси устига қурилган янги кўприкнинг фойдаланишга топширилиши муҳим воқеа бўлди. Эндиликда яқин-атрофдаги 14 та катта ва кичик қишлоқларда яшовчи аҳоли катта қулайликка эга бўлди.**

**● Қашқадарё вилоятида 30 та ширкат асосида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. 2760 та лойиҳа бўйича фермерларга 110 минг гектардан ортиқ ер майдони ажратилиши кўзда тутилган.**

**● Янги йилнинг илк кунларида Беруний туманидаги Улуғбек номли фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги 200 та хонадонда «зангори олов» ёнди. Бу ердан 7 километр масофагача юқори босимли газ қувури ётқизилиб, «Қизилқалъа» газ тақсимлаш шохобчасига уланди.**

**● Қўқон шаҳрида Янги йил байрами ўзгача тароват ва шукуҳ билан қарши олинди. Худоёрхон ўрдаси, Фурқат боғи, Чорсу мавзесига ўрнатилган улкан арча атрофига тўпланган болажонлар қишки таътилни мароқ билан ўтказишмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Фаластинда шу йилнинг 25 январида ўтказилиши белгиланган парламент сайловларида депутатликка номзод 726 киши иштирок этмоқда. Ўтказилган дастлабки ижтимоий сўровда ҳукумат тепасида турган ФАТХ ҳаракатининг ғалаба қозониш имконияти анча юқори эканлиги маълум бўлди.**

**● Кеча Франция Президенти Жак Ширак ўтган йил ноябрдаги тартибсизликлар вақтида жорий этилган фавқулодда ҳолатни бекор қилди. Бу қарор мамлакат Бош вазири Доминик дек Вильпен Франциядаги ҳозирги вазият ҳақида ҳисобот бергач эълон қилинди.**

**● Кеча ўтказилган музокаралар самарали якунланиб, Россиянинг «Газпром» ва Украинанинг «Нафтогаз» компаниялари Украинага табиий газни етказиб бериш юзасидан келишиб олдилар. Бунда 1000 куб метр газ учун нарх 95 доллардан эканлигига келишилди ва келгусида газ етказиб бериш Европа формуласи асосида амалга оширилади. Бу борадаги шартнома беш йиллик муддатга имзоланди.**

**● Колумбияда ҳукумат томонидан гиёванд моддалар тарқалишига қарши кураш чоралари кучайтирилгач, турли жиноий ҳаракатлар кўпайиб бормоқда. Хусусан, кеча жангарилар мамлакатнинг Эквадор билан чегарадош ҳудудидаги саккизта нефть қудуғини ҳамда Орито шаҳридаги электр узатиш линияларини портлатиб юборди.**

**● Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва Бош вазири, Дубай амирлиги ҳукмдори Шайх Махдум 62 ёшида Австралияда юрак хуружи касаллигидан вафот этди. 40 кунлик мотам маросими ўтганидан сўнг амирликни идора қилиш ҳуқуқи ўз-ўзидан марҳумнинг укасига ўтади.**

**● Бағдоддан шимол томон 100 километр масофадаги Микдадия шаҳрида маҳаллий сиёсатчилардан бирининг тан соқчисини дафн қилиш маросимида террорчининг ўзини ўзи портлатиб юбориши натижасида 36 киши ҳаётдан кўз юмган, 40 нафар киши эса жароҳатланган.**

**● Япониянинг энг йирик нашрларидан бири бўлган «Yomiuri» газетаси кўплаб миллий, халқаро ва хорижий илмий-тадқиқот институтлари башоратларига асосланиб, яқин 50 йил ичида дунё мамлакатларининг ривожланиш суръатларини аниқлашга ҳаракат қилди. Газетанинг билдиришича, 2050 йилга келиб Хитой иқтисодиёти энг ривожланган мамлакатга айланади, Ҳиндистон эса аҳолиси энг кўп давлат бўлади.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 6 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 1-3 даража совуқ бўлади.

*Биз ва жаҳон*

# ПОЛЬША — ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

**— ПОЛЬША БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЙИЛДАН-ЙИЛГА РИВОЖЛАНМОҚДА, — ДЕДИ МАЗКУР МАМЛАКАТНИНГ ЮРТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ САВДО-ИҚТИСОДИЁТ БЎЛИМИ БОШЛИЁИ МАРЭК ПИОНТЕК 2005 ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА.**

2005 йилнинг ўн ойи мобайнида Польша Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 158,1 миллион долларни ташкил этди. Бу 2004 йилнинг худди шу даврига нисбатан икки баробар кўп демакдир. Боз устига, Ўзбекистонга экспорт қилиш ҳажми қарийб икки баробар кўпайиб, 37,0 миллион долларни ташкил этди. Импорт миқдори 54,5 миллиондан 121,1 миллионга ошди. Ўсиш суръатининг юқорилигини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси кўрсатгичлари ҳам тасдиқламоқда. М.Пионтек, 2005 йил якунларига кўра ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 190 миллион долларга етиши тахмин қилинаётганини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонга экспорт қилинаётган товар турлари тобора кенгаймоқда. Польшадан келтирилаётган товарларнинг 38 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 21 фоизини станок, машина ва хилма-хил асбоб-ускуналар ташкил этса, 11 фоизи транспорт воситалари, 9 фоизи кимё саноати маҳсулотлари, 5 фоизи чорвачилик моллари, 4 фоизи ним қимматбаҳо металл ва бошқалардан иборат.

— Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Польшага импорт қилаётган товарлар ҳажмининг 79 фоизини минерал маҳсулотлари, 17 фоизини пахта, 3,5 фоизини пластмасса ташкил этади.

«Туркистон-пресс» мухбири саволларига жавоб берар экан, М.Пионтек, 2003 йил 10 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Польшага қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳукуматлараро кредит битимлари доирасида тузилган шартномаларни бажариш бўйича амалий ишлар олиб борилаётганини қайд этди.

— Хусусан, биринчи кредит доирасида (15 миллион доллар) «ABPLANALP CONSULTING» ва «SkyBone» фирмалари томонидан Ўзбекистон коллежларига технология жиҳозлари етказилиб, ўрнатилмоқда, - деди М.Пионтек. - Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариш бўйича намойиш этилган технология линияларига кўпгина ўзбекистонлик тадбиркор ва кичик бизнес вакиллари қизиқишмоқда.

— Иккинчи кредит доирасида, унинг ҳажми ҳам 15 миллион долларни ташкил этади, «BUDIMEX» фирмаси вакиллари Бухоро шаҳридаги «BUCHAROTURIST» меҳмонхонасини таъмирлашга киришди. Шаҳрисабз шаҳрида эса янги меҳмонхона пойдевори қўйилди. Мазкур меҳмонхона 2006 йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилади.

М.Пионтекнинг сўзларига кўра, пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан саналади. Айнан шу туфайли ҳам Гдин Польша Пахтачилик палатаси ва қатор польшалик фирмалар май ойида Тошкентда ўтказилган «Пахта ва шойи дунёси 2005» халқаро кўргазмасида ҳамда октябр ойида пойтахтимизда ўтказилган биринчи халқаро пахта ярмаркасида фаол иштирок этишди.

— «Ўзбекенгилсаноат» компанияси, «Ўзбекипаги», «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари таркибига кирувчи ўзбекистонлик фирмаларнинг Познань Модалар Куни халқаро кўргазмасида иштирок этгани катта воқеа бўлди, - деб таъкидлади М.Пионтек. - Мазкур кўргазмада намойиш этилган Тошкент модалар уйининг етакчи мутахассислари томонидан тайёрланган қўлда тўқилган табиий матоларда миллий нақшлардан безак бериб тикилган кийимлар тўплами кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

— Икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо ва иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш дастури доирасида, Польша маҳсулотлари ва хизматлари хусусидаги ахборотни маҳаллий бозорларда таъминлаш ҳамда минтақавий ҳамкорликни янада тараққий топтириш мақсадида, маҳаллий ҳокимият ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Бухоро ва Навоий вилоятлари тадбиркорлари учун семинарлар ўтказилди, — деб қайд этди М.Пионтек. — Улар ҳар икки давлат ишбилармонлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш имконини яратибгина қолмай, келгусидаги устивор йўналишларни аниқлашга ҳам ёрдам берди.

— Банк-молия соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Чунончи, Ўзбекистон Банк академиясининг бир гуруҳ тингловчилари Польшада бўлиб, унинг банк тизими, етакчи банк-кредит муассасаларининг фаолияти билан яқиндан танишиб қайтишди.

— Автомобилсозлик, нефт ва газ саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда Польша билан Ўзбекистон компаниялари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора теранлашиб бормоқда. - Бунга PGNIG нефт-газ корпорациясининг вице-президенти Франчишек Крок ва NAFNAGAZ KRAKOV компанияси бош директори Ярослав Балазларнинг Тошкентга келишлари яққол далил бўла олади.

**«Туркистон-пресс»**

*Алоқа*

## ЯНГИ СЕРВИС МАРКАЗИ

**Алоқа ўлчов воситаларидан унумли фойдаланиш мақсадида муҳим техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикамизда фаолият кўрсатаётган “Актерна” компаниясининг бу борадаги изланишлари ҳам кутилмаган натижаларни бермоқда.**

Компаниянинг республика илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази билан ҳамкорлигида амалга ошираётган ишлари ўлчов воситалари турларини кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шу жараённи кенг йўлга қўйиш мақсадида ўлчов воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича сервис марказини очиш тадбирлари кўрилди.

Мазкур марказ илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази соҳавий лабораториясида иш бошлайди.

## МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ

**Тошкент Ахборот технологиялари университетида махсус сиртқи бўлим ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ана шу таълим жараёнида почта хизмати, телекоммуникация соҳалари бўйича ҳам малакали кадрлар тайёрланмоқда.**

Касбий таълим бўйича ёшлар сиртдан информатика ихтисослигини ҳам эгаллайдилар.

Уч йиллик муддатга мўлжалланган махсус сиртқи бўлим битирувчиларига бакалаврлик даражаси берилади.

## ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ АСОСИДА

**Тошкент Ахборот технологиялари университети олимлари хўжалик шартномаси бўйича ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда**

Бу борада олий ўқув юрти илмий тадқиқот лабораторияси эришаётган ютуқларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Кейинги йилларда шартнома асосида ўндан ортиқ тадқиқотлар ўтказилиб, катта миқдорда иқтисодий самара қўлга киритилди.

Виртуал лаборатория ишлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ҳам амалиётга татбиқ қилинди. Телекоммуникацион узатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган изланишлар ҳам кутилган натижаларни берди.

**Акбар АЛИЕВ**





*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

## ЮРТ ТАҚДИРИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**МАМЛАКАТИМИЗ ЧЕГАРАЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, МУДОФАА ҚУДРАТИМИЗНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ АЙНАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ ҲАРБИЙ САЛОҲИЯТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ. ШУ МАЪНОДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАР ЙИЛИ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ ОЛДИДАН ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ.**

Бу йил ҳам ушбу сана муносабати билан махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва унга кўра барча давлат ва жамоат ташкилотларида ҳарбийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, слётлар ташкил этилмоқда. Худди шундай тадбирлардан бири Марказий офицерлар саройида Тошкент ҳарбий округи ёш офицерлари слёти тарзида ўтказилди. Унда округ қисмларида фаолият олиб бораётган ёш, иқтидорли офицерлар, уларнинг оила аъзолари, қуролдош дўстлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Слётда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Тошкент ҳарбий округи қўмондони, полковник Акмалжон Комилов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Фарида Акбарова, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев, Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Маннобжон Аҳмедовлар ёш офицерларни табриклар экан, уларнинг Ватан ҳимояси йўлидаги фидойиликлари катта жасорат ва матонат тимсоли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шундан сўнг алоҳида хизматлари, қўл остидаги аскарлар билан ишлашда кўрсатган юқори натижалари учун Баҳодир Умаров, Сирожиддин Зокиров, Дилшод Пўлатов, Суръатжон Маматқулов ва Элёр Сатторов сингари ёш офицерларга мукофотлар тантанали равишда топширилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*Саховат*

## БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**БЕМОРЛАРНИНГ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШ, НОГИРОНЛАРГА ИККИ ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ БИЛАН РУҲАН ДАЛДА БЕРИШ, МУҲТОЖЛАРГА БАҲОЛИ-ҚУДРАТ МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ САВОБЛИ ИШ БЎЛИБ, ХАЛҚИМИЗ ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛАЁТГАН КЎҲНА УДУМ, ОЛИЙ ҚАДРИЯТДИР. ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ ШОДИЁНАСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МЕҲР-МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, НОЧОРЛАРГА САХОВАТ КЎРСАТИШ БИЛАН БАЙРАМ ФАЙЗ-ТАРОВАТЛИ БЎЛИБ, ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ КАБИ ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ЭЗГУЛИКНИНГ СЕҲРЛИ ВА ГЎЗАЛ ОЛАМИГА ОЛИБ КИРУВЧИ ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ТОМОШАЛАРИ, БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ АЗИЗ БОЛАЛАРГА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАЙДИ.**

Байрам кунлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмалари томонидан шифохоналарда даволанаётган болаларга, кўнгли хаста инсонларга Янги йил арчаси совғалари ва маҳаллалардаги кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга байрам совғалари билан бирга маданий тадбирларга чипталар тақдим этилди. Берилган совға билан бирга кўрсатилган эътибор муҳимдир.

— «Кўҳна Чўпон ота» маҳалласида 33 та вояга етмаган ногирон болалар, 170 та муҳтож оилалар бўлиб, шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан улар эътибордан қолмаганлигидан, қилинаётган хайрли ишлардан маҳалла аҳли, азиз болалар мамнун бўлиб, бундан беҳад хурсандмиз, — дейди «Кўҳна Чўпон ота» маҳалласи оқсоқоли Ўткир Қосимов.

— «Хуросон» маҳалласида 380 та кам таъминланган оилалар бор. Боқувчисиз қолган болаларнинг кўнглини олиб, ночор оилалар фарзандларига меҳр-мурувват кўрсатиш мақсадида қилинган савобли ишлари учун шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмаларига маҳалла аҳли номидан раҳмат дейман, — деб миннатдорчилигини билдирди маҳалла оқсоқоли Музаффар Жалолов.

— Афғон воқеалари қатнашчилари ҳамда ногиронлари шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмаларининг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши ҳамда соғломлаштиришдаги беғараз ёрдамларини юксак қадрлайдилар, — дея сўз бошлади Тошкент шаҳар афғон уруши ногиронлари жамғармаси раиси Мирвасли Нурматов. — Афғон воқеалари ногиронларининг фарзандларини унутмасдан совға, томошаларга чипталар бериб муборакбод этишгани учун ташаккуримни айтаман.

«Касаба уюшмалари билан ҳамкорлигимиз яхши анъанага айланган, — дейди Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмаси раисининг ўринбосари Рустам Марипов. Кўрсатилган меҳрибончиликдан миннатдормиз».

Бола кўнгли нозик. Озгина эътибор билан унинг меҳрини қозониш ёки бепарволик билан озор етказиш мумкин. Айниқса, бемор болаларнинг кўнглини олиш, икки оғиз самимий раҳматига сазовор бўлиш олий бахт десак янглишмасак керак. Шунинг учун ҳам халқимиз болага норасидалигидан меҳр билан қарайди. Ногирон болаларни реабилитация қилиш интеграция клуби кенгашининг аъзоси Қундуз Нишонова ва “Чернобил болалари” илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори Борис Лимнинг «болаларни эъзозлаб, сидқидилдан қилинаётган ғамхўрликдан ғоят мамнунмиз, меҳр билан олам мунаввар» деган дил сўзлари барчани савобли ишларга чорлайди.

Шифохонага борган одам бемор билан суҳбатлашиб ҳол-аҳвол сўрашиб қайтгач, кўнгли анча ёришганини ҳис этади. Бу бокира туйғу инсонни хайрли ишларга чорлаши бежиз эмас. Бемор дуосини олиш улуғ бахт эканлиги барчага ойдин ҳақиқатдир. Айниқса, шифохоналарга бориш, хаста инсонларнинг кўнглини ширин сўз, совға билан овлаш умуминсоний ва миллий қадриятлардан биридир. — Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтида Қорбобо, Қорқизнинг шифохонадаги беморларга эзгуликни тараннум этувчи дил сўзлари, тақдим этилган совғалар ва шифохона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил этилган маданий дастур хайрли тадбир иштирокчиларига бир олам завқ-шавқ бағишлади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмаларининг ҳамкорликда амалга оширган хайрия тадбирларидан беҳад хурсандмиз, — дея сўз бошлади Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги болалар руҳий асаб касалликлари шифохонасининг бош шифокори Ирина Алексеевна Савельева — Қорбобо, Қорқизнинг тақдим этган совғалари, яшил арча атрофидаги қизиқарли эртаклардан бемор болалар беҳад завқланиб, кўнгиллари шод бўлди ва улардаги яхши кайфият, хурсандчилик соғлиқларини тиклашга хизмат қилганидан ғоят мамнунман.

— Инсонга наф келтириш олий бахт бўлса, боланинг, айниқса норасида беморнинг миннатдорчилигини ифодалашга сўз ожизлик қилади, — дейди Республика болалар ортопедия маркази директори Шуҳрат Азизов — Байрам тадбири ташкилотчиларининг хайрли ишлари учун ташаккур билдираман. Қорбобо ва Қорқизнинг болаларга шодлик улашувчи табассуми, эзгуликка етакловчи эртаклари, совғалар болаларга меҳр тўла эътиборнинг ёрқин намунасидир. Мамлакатимизнинг турли вилоятлари, чекка қишлоқларидан келиб даволанаётган болаларга кўрсатилган меҳр уларнинг қалбида ўчмас ёқимли таассурот қолдиради. «Мен Журъат Болтаев, Хоразм вилоятидан келганман. 6-синф ўқувчисиман. Мени шифокорлар яхши даволашяпти. Бугунги байрамдан хурсандман, унинг ташкилотчиларига катта раҳмат». Болаларнинг самимий табассуми, меҳрибонлик билан боқувчи кўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмай, эзгуликка чорлайди. Савоб ишни ҳар ким қилиши, савоб ишни ҳар куни қилиш керак, деган боқий каломга амал қилиш одат тусига кираётганлиги қувонарлидир.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида амалга оширилган саховат тадбирларидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Қўшма корхоналарда*

## СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

**Бойитилган ун ва ундан тайёрланган маҳсулотлар инсон аъзоларини камқонлик касаллигидан ҳимоя қилади. Айниқса шифобахш озуқавий нонлар саломатлигимиз учун ниҳоятда фойдалидир. Ушбу нонлар таркибида кўплаб доривор моддалар бўлиб кўпгина касалликларнинг олдини олади. Айни кунларда “Latvijas Bekerejas” Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонасида ана шундай шифобахш нонлар ишлаб чиқарилмоқда.**

2005 йил декабрь ойида фаолият бошлаган корхонада асосан 10 хилдан ошиқ шифобахш нонлар ҳамда бир неча турдаги тортлар ва шоколадли кекслар ишлаб чиқарилади.

Латвиянинг замонавий технологияларини қўллаган ҳолда пишириладиган нонлар ўзининг парҳезбоплиги, мазаси билан алоҳида ажралиб туради. Ҳар хил шаклдаги ва ҳажмли шифобахш нонлар олий сифатли табиий маҳсулотлардан тайёрланади. Корхонада ишлаб чиқариш жараёни қаттиқ назорат остида амалга оширилади. Бу эса маҳсулот сифатига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Бу ерда тайёрланаётган 10 турдан ошиқ тортлар ҳам ўзига хос ёқимли таъми билан харидоргирдир. Қандолат маҳсулотларига зарур масалliқлар Германия,Испания, Италия ва бошқа Европа давлатларида ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу озуқавий моддаларга бой масаллиқлар ширинликка ўзига хос бетакрор таъм бағишлайди.

Қулупнай йогуртли, лимон йогуртли, ўрик йогуртли, шоколадли тортлар айни байрам кунларида дастурхонингизга кўрк бериш билан бирга қишнинг қоқ чилласида ёз мевалари мазасини ҳам сизга ва азиз меҳмонингизга тақдим этади.

10 турдан ошиқ эксклюзив тортлар, шунингдек байрам тортлари ва пирожнийларни фирма дўконидан ўзингизнинг дидингизга мос ҳолда танлаб олиш имкониятига эга бўласиз.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Бандлик*

# ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

**АЛБАТТА, ҲАР БИР ТАДБИРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД БЎЛАДИ. АНА ШУ МАҚСАДГА ЭРИШИЛСАГИНА, ТАДБИРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ ТАЪМИНЛАНАДИ, САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ ЯҚҚОЛ АКС ЭТАДИ.**

Бектемир туман ҳокимлиги ва меҳнат бўлими ҳамкорлигида ўтказилган муҳим тадбир ҳам иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашни мақсад қилган эди. Шу боис ҳам ушбу «Сувчи» даҳасидаги маданият бўлимида ўтказилган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» ярмаркасига туманнинг «Маърифат», «Роҳат», «Истиқбол», «Мажнунтол», «Зилола» маҳаллаларидан 102 нафар иш билан банд бўлмаган ва муносиб иш топиш истагида бўлган фуқаролар таклиф этилди.

Туманда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари фуқароларга жамоаларидаги бўш иш ўринлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб, улардан керакли маслаҳатларини ҳам аяшмади. Шу боис бўлса керак, ярмарка якунигача тумандаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик компанияси, 1-автокорхона, «Мармакс» қўшма корхонаси, Мотор заводи, «Иргидромаш» корхонаси, туман халқ таълими бўлими, ободонлаштириш бошқармаси сингари жамоаларга 43 нафар фуқаролар ишга йўлланма олдилар, 9 нафар фуқаро эса касбга ўқитиш учун йўлланма билан таъминланган бўлса, 2 нафар қатнашчи ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб этилди. Қолган барча иштирокчиларга меҳнат бўлими мутахассислари томонидан керакли йўлйўриқ кўрсатилиб, маслаҳатлар берилди.

—Ушбу йилда ўтказилган ярмаркаларимизнинг тўртинчиси саналган ушбу тадбирда 23 та корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринларини тавсия этишди,— дейди меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими раҳбари Мансур Толипов.—Ўтказилаётган ҳар бир ярмаркадан кўзланган мақсадимиз аниқ, яъни тумандаги ишсизларни иш билан таъминлашда яқиндан ёрдам бериш. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги «Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ҳам иш юритиб, 2005 йилда туманимиз маҳаллаларида иш билан банд бўлмаган аҳоли мониторинги ўрганилди. Мониторинг асосида 750 та ишсиз фуқаролар аниқланган эди. Мана шу ўтказилаётган ярмаркаларимиз ҳамда тумандаги корхона, ташкилот ва бошқа меҳнат жамоалари билан ҳамкорлигимиз самараси ўлароқ уларнинг 517 таси иш билан таъминланди. Бу борадаги ишларимизни келгуси йилда ҳам давом эттириш ниятидамиз. Шунингдек бўлимимизга мурожаат этиб келган ҳар бир фуқарога алоҳида эътибор қаратамиз, мутахассисларимиз маслаҳатларини аямайди. Энг муҳими эса меҳнат қилишни истаган одамларга ёрдам бераётганимиздан мамнунмиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

*Маънавият*

## ЁШЛАРНИ ХУШНУД ЭТИБ

**Ўзбекистондаги Немис маданияти маркази томонидан амалга оширилаётган тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда. Марказ ҳузурида “Ёшлар юлдузи” театр-студиясининг ташкил этилиши билан марказ фаолияти янада кенгайди.**

Ёшларнинг севимли санъат даргоҳига айланган бу студия Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри билан яқин алоқа ўрнатди. Ушбу ижодий ҳамкорлик янги қизиқарли постановкаларни саҳналаштириш имконини бермоқда.

Театр-студия навбатдаги постановкани тайёрлади. Қадимги герман афсонаси асосида саҳна юзини кўрган ушбу спектакл ёшлар учун яхши совға бўлди.

Келгусида унинг репертуари янги спектакллар билан бойийди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Анжуманлар*

# ОЛҒА СИЛЖИТУВЧИ КУЧ

**АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА (ТОШДТУ) УЧ КУН ДАВОМ ЭТГАН «ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ.**

Анжуманда ТошДТУ ва бошқа олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари вакиллари томонидан 2003-2005 йилларда амалга оширилган фундаментал, илмий-техника, амалий ва инновацион дастурлар, хўжалик шартномалари бўйича бажарилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари тақдим қилинган маъруза ва бошқа илмий чиқишларда ўз аксини топди. Ялпи ва шўъба мажлислари фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг долзарб муаммолари бўйича баҳсли, мунозарали бўлиб, фикр ва таклифларга бой бўлди. Журналлар ва икки қисмдан иборат тўпламларда чоп этилган анжуман материаллари асосида олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари ва корхоналар вакиллари интеграция йўналиши бўйича унинг янги қирраларини белгилаш юзасидан фикр алмашдилар. Бу катта тадбир фан жамият тараққиётини олға силжитувчи кучли восита эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Илмий-амалий анжуманда қабул қилинган қарорда тадқиқотлар олиб бориб, унинг натижаларини ишлаб чиқаришда амалга ошириш учун олимлар, педагоглар, ишлаб чиқариш ходимларининг бирлашган ижодий жамоасини шакллантиришга, юқори технологиялар йўналиши бўйича Бирлашган илмий марказлар тузишга, техника олий ўқув юртларида, илмий текшириш институтларида, йирик корхоналарда Бирлашган филиаллар ташкил қилиш, олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтларининг ишдаги натижалари билан салоҳияти эътироф этилган илмий ва илмий-педагогик мактабларида фан докторлари ва фан кандидатлари тайёрлашга, анжуманда кўтарилган мавзу бўйича интеграцияга тегишли дахлдор ташкилотлар ҳамкорлиги ва уни кенгайтиришга эътибор қаратилди.

Анжуманда ТошДТУ томонидан ишлаб чиқилган «Фан, таълим, ишлаб чиқариш» интеграцияси модели маъқулланди.

Навбатдаги шу йўналишдаги илмий-амалий анжуманни 2007 йили ТошДТУда ўтказишга қарор қилинди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# ЯНГИ КРЕДИТ ЛИНИЯСИ

**ЎТГАН ЙИЛНИНГ ОХИРГИ КУНЛАРИДА ХИТОЙ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ВАН И БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТГА ТАШРИФ БУЮРДИ.**

Ташрифдан кўзланган мақсад Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг банклараро ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки матбуот хизматининг маълум қилишича, ушбу ҳужжат 2005 йилнинг октябрида ШҲТга аъзо давлатларнинг ваколатли банклари томонидан имзоланган бўлиб, инвестиция лойиҳаларини молиялаш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида банклараро ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишни кўзда тутади. Шартномага мувофиқ, унинг иштирокчилари қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШҲТга аъзо мамлакатларнинг турли корхоналари ўртасида иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни рағбатлантириш учун самарали ва тезкор механизм бўладиган банклараро бирлашмани ташкил этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Хитой тараққиёт банки вакиллари билан музокаралар ўтказилди. Миллий банкка кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун Хитой тараққиёт банкининг 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш тўғрисида келишувга эришилди. Ушбу линия бўйича кредитлаш муддати 9 йил бўлиб, 2 йил имтиёзли даврни ташкил этади.

**ЎзА**

*Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан*

# ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИДА "ЁНҒИННИ ЎЧИРИШДАН КЎРА, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ" ДЕГАН НАҚЛГА АМАЛ ҚИЛГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИЛАДИ. ЗЕРО, ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЁНҒИНЛАРНИНГ СОДИР БЎЛИШИ, МУЛК ТАЛОФАТИ, ИНСОНЛАРНИНГ ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА БОШҚАРМАНИНГ "ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ"НИНГ ҲАМ ҲИССАСИ КАТТАДИР.**

Маълумки, ёнғин содир бўлишига газ ва электр асбобларидан фойдаланилганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ва бошқа шу каби эътиборсизлик, лоқайдликлар сабаб бўлади.

Бошқарма томонидан пойтахтимизда ўтган йил давомида 639 та газ плиталари, электр жиҳозлари ёқиқ қолган хонадонларга ёрдам кўрсатилиб, ёнғин содир бўлишининг олди олинди.

Шунингдек, бошқармада Тошкент шаҳрида жойлашган идоралар, муассасалар ва ташкилотлар объектларини ҳамда уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан идоралар, ташкилотлар, муассасаларда ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини ёнғин ўчириш техникаси, асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлаш, ёнғинга қарши сув таъминоти манбалари бўлган гидрантлар, резервуарлар, насослар, сув ҳавзалари, ички ўт ўчириш кран-жўмракларини соз ҳолатга келтирилиши бўйича текширувлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда аҳоли тўпланиш жойларида, шу жумладан дам олиш масканлари, бозорлар, автобус бекатлари, савдо мажмуалари ва умумий овқатланиш муассасаларида "газ баллони"дан фойдаланишга чек қўйилиши таъминланмоқда.

Тошкент шаҳридаги халқ хўжалиги иқтисодий объектларида ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг масъул ходимлари майор Толиб Омонов, катта лейтенант Урал Бозоров, лейтенант Рустам Абдухолиқов, етук мутахассислар Завен Яролян, Алишер Арифжоновлар томонидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳаёт учун муҳим бўлган иссиқлик, газ, электр, сув таъминоти хизмати, канализация, коммунал-техник хизмати объектларини Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси, Ёнғин хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши, тегишли куч ва воситаларнинг шайлиги, уларнинг асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги, бу борада мавжуд камчиликларнинг бартараф этилиши юзасидан объектлардаги ишчи ва хизматчилар, объект атрофида истиқомат қиладиган аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, "Ёнғин содир бўлганда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва Фуқаро муҳофазаси хизматлари, объект раҳбарлари ва Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари" мавзусидаги махсус-тактик ўқув машғулотлари Марказий давлат архиви, Миллий банк, "САР", "Ўздонмаҳсулот" бош бошқармаси, "Лак бўёқ заводи", "Тошкент трактор заводи" давлат акциядорлик жамияти каби ташкилотларда ўтказилди ва бошқа қатор ташкилот ва муассасаларда ҳам ўқув машғулотларининг ўтказилиши режа бўйича давом этмоқда.

**Эргаш ИКРОМОВ,**
**Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник**

*(Давоми. Боши ўтган сонларда.)*

Байт:

**Унинг боши баландликда осмонга тўқнашган,**
**Ва тошсиз осмон гумбази у туфайли тошдан ишлангандек бўлиб қолган.**
**Унинг тоши бориб офтобга ишқаланиш билан**
**Офтобнинг олтини синовдан ўтди /яъни, у тош синов тоши бўлди/.**
**Шишасоз фалак агар ақлдан озган бўлмаса**
**Нега бу тош билан ўйнашади**

Бундан бошқа ҳам катта-кичик иморатлар бўлиб, ҳаммаси ғоят нозиклик билан нақшланган ва устига суратлар солинган.

Бу ерда эрталаб ва кечқурун номақбул ибодатлардан кейин созлар ва пардалар чалиб ашулалар айтадилар, меҳмондорчилик қиладилар. Бу қишлоқнинг барча кишиларига шу ерга тушадиган садақалардан нафақа ва таъминот муқаррар қилинган. Узоқ шаҳарлардан бу ерга назр-ниёз келтирадилар. Динсизларнинг эътиқодича бу жой оташпарастларнинг каъбасидир.

Икки-уч кун бу ерда туриб, сўнг йўл юриб зу-л-ҳижжа

**Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ**

## «МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН»

**АСАРДАН БОБЛАР**

ойининг охирларида /30 апрель 1443/ Бижонагар шаҳрига етиб келдим. Подшоҳ бир қанча кишини истиқболга чиқарди, улар мени яхши ва муносиб бир жойга туширдилар.

## САККИЗ ЮЗ ҚИРҚ ЕТТИНЧИ (1443-1444) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Ҳикоялардан огоҳ бўлганлар биладиларки, денгиз сафари хабарлари ушбу варақларни ёзувчи Абдураззоқ ибн Исҳоқнинг Бижонагар шаҳрига етиб борган ерида тўхтаган эди.

Мен ғоят катта ва ободон бир шаҳар ҳамда ҳукмдорлиги ниҳоят камолга етган бир подшоҳни кўрдим: унинг мамлакати Сарандиб чегарасидаги Гулбарга вилоятигача ва Бангола чегараларидан Малибор еригача бўлиб, минг фарсангдан ортиқ келади; вилоятларининг кўпи обод ва ҳосилдор; бир-бирига баробар уч юз бандарга, мингдан ортиқ тоғдек баланд, Ифрит кўринишли филга ва ўн бир л а к лашкарга эга. Бутун Ҳиндустонда Бижонагар "рой"идан кўра худрайроқ биронта ҳам "рой"ни кўрсата олмайдилар. У вилоятларнинг подшоҳларини "рой" деб атайдилар. Браҳманлар унинг олдида ҳаммадан кўра ҳурматлидирлар. Форс тилида ундан яхшироқ бирорта ҳам китоб тилга олинмаган, рой ва браҳманлар ҳақида сўзланган "Калила ва Димна" китобининг ҳикоятлари шубҳасиз, шу мамлакат донолари ҳикмати натижаларидандир.

Унинг теварагига тенг келадиганини ҳам кўз қорачиғи кўрмаган ва бутун жаҳонда ҳам унга ўхшашини хуш қулоғи эшитмаган Бижонагар шаҳрининг тузилиши мана шундай: унинг атрофини еттита ҳисор ва шаҳрбанд бир-бирининг атрофини айланган шаклда қуршаб тушган. Биринчи ҳисор атроф-айланасидаги кенглиги эллик газ келадиган ернинг ҳамма жойига одам бўйи тошларни бир-бирига яқин қилиб ярмини ерга киргизиб ярмини юзада қолдириб, маҳкам қилиб кўмиб қўйганлар. Шундайки, ҳеч киши, отлиқ ҳам, яёв ҳам, ботир ҳам, элчил ҳам ҳисор яқинига келолмайди.

Агар бирор киши бу етти ҳисор ва унинг шаҳрбанди суратини Ҳирот шаҳрига таққослаб кўрганда қандай бўлади, деб хотирига олса, ушбу тариқада андиша лавҳасига келтирсин; биринчи ҳисор Мухтор тоғи ва Дубаророн дарасидан тортиб, Канори рудгача ва Ғизон қишлоғининг шарқ тарафию Сийнон қишлоғининг ғарбида ўрнашган Пули молонгача бўлган масофага тўғри келади ҳамда у тоғ теппасига айлана шаклда тош ва оҳакдан ишланган, дарвозалари маҳкам қурилган бир ҳисордир. Дарвозабонлар ҳамиша ҳозир бўлиб, ҳар бир кичик нарсани ҳам эҳтиёт кўзи билан кузатиб турадилар.

Шунингдек, иккинчи ҳисор Жуйи навнинг кўпригидан тортиб Дарқароҳнинг кўпригигача, шарқ тарафга Пули Регина ва Жакконгача, ғарб тарафга Зубайда боғи ва Ҳасан қишлоғигача бўлган масофага тўғри келади. Учинчи ҳисор Имом Фахруддин Розийнинг мозоридан тортиб, Муҳаммад Султоншоҳ гумбазигача бўлган масофага, тўртинчи ҳисор Инжил кўпригидан то Пули Корадгача, бешинчи ҳисор Боғи Зоғоннинг дарвозасидан токи Оби Чаконнинг кўпригигача, олтинчи ҳисор Дарвозайи Маликдан токи Ферузобод дарвозасигача бўлган масофага тўғри келади. Ҳамма ҳисорлар ўртасида ўрнашган еттинчи ҳисор эса Ҳирот шаҳрининг Чорсусига ўн баробар келади. Бу ер подшоҳнинг даргоҳидир.

Шундай қилиб, биринчи ҳисорнинг шимол тарафидаги дарвозаси билан шу ҳисорнинг жануб тарафида бўлган биринчи дарвозанинг ораси икки шаръий фарсанг келади. Шунингдек, биринчи ва иккинчидан тортиб то учинчи ҳисорларнинг шарқ, ғарб тарафларида ва оралиқларида экинзорлар, боғлар ва иморатлар бор. Учинчи ҳисордан тортиб еттинчисигача мавжуд бўлган оралиқларда одамлар тиқилинч, дўконлар ва бозорлар жуда кўп. Подшоҳнинг даргоҳида бир-бирининг қарама-қаршисига жойлашган чор бозор суратидаги жой бўлиб, улардан шимол тарафидагиси Айвони Кайвон, яъни ройнинг саройидир. Ҳар бир бозорнинг тепасига баланд бир тоқ ва ажойиб бир равоқ кўтарилган. Аммо подшоҳнинг айвони ҳаммасидан ҳам олийроқ.

Бозорлар ғоятда кенг ва узун. Шундайки, гулфурушлар дўконларининг олдига баланд тахталар қурганлар ва ҳар икки тарафларига қараб гул сотадилар. Бу шаҳарда доимо хушбўй, тоза рўй гуллар мавжуд, чунончи, улар бирорта овқатни зарурий ҳисоблаганларидек, гулсиз ҳам сабр-тоқат қилиб туролмайдилар. Ҳар бир жамоанинг ҳунармандлари бир-бирига уланган дўконларга эгалар. Жавҳарфурушлар марварид, олмос, ёқут ва зумуррадларни бозорда ошкора сотабéрадилар. Булар шундай тиниқ марваридлар ва шоҳона дурлардирки, денгизларни чуқур билувчи ғаввослар ҳам уларга ўхшашини ва тенг келадиганини кўрган ҳам, эшитган ҳам эмаслар. Фалак жавҳаршуноси у марварид ва дурлардан ҳар бир донаси учун ўз қалби донасини ўртага қўйса арзийди. Уларнинг ҳар бир донаси рашкидан ўн тўрт кунлик ойнинг хирман /кулча/сига ўт туташган, жавлон уриш жойи шоҳларнинг тожию майдони денгизсифат сахий султонлар қўл кафти бўлмиш у денгиз маҳсули - нуқралар конда бунёдга келган эмасу, аммо қарор ва ором олган жойи дўконда; бир бурчакга беркинган эмасу, аммо мақоми қулоқларда. Анор донаси каби ёқутлар ранги рашкидан оловнинг дили қон бўлган ва уларнинг шуъласидан уялиб олов жисми тош ичига беркинган, қуёш меҳри уларни юзлаб жигар қони билан тарбиялагану тошюрак тоғ ўз сийнаси ичида юзларча ноз билан етиштирган; у бир оловдирки, ҳеч қандай сувдан ёруғлиги сўнмайди ва бир офтобдирки, ҳеч бир тутилиш уни ўзгартира олмайди. Пайконлик олмослардирки, у пайконнинг ўқи момақалдироқ камонидан чақмоқдек отилиб чиқиб қаергаки бориб етса, ўша жойни куйдирган ва яралаган; ярқироқлик ва нурлиликда қуёшнинг найзадек тили улар олдида ўтмас; тезлик ва ўткирликда Баҳромнинг қиличи уларга нисбатан бир парча темир.

**Форсчадан Асомиддин ЎРИНБОЕВ таржимаси.**

*(Давоми бор.)*

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ «TOSHKENT TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ

**Тошкент шаҳар телефон тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантириш режасига мувофиқ 2006 йил 5 январдан бошлаб 46, 53, 24, 76 ва 45-АТСлари бўйича телефон рақамларини электрон рақамли АТСларга ўтказиш ва ўрнатиш ишлари олиб борилади.**

*Янги АТСлар қуйидаги 7 та рақамлардан иборат:*

*46-АТС — 3960000-3969999, 3931000-3932299-АТС,*

*маълумот учун телефон: 396-12-12.*

*53-АТС — 3620000-3629999, 3634000-3634999, 3635000-3636399-АТС,*

*маълумот учун телефонлар: 362-17-17, 55-80-08.*

*24-АТС —1240000-1249999, 1219000-1219999-АТС,*

*маълумот учун телефон: 124-23-23.*

*76-АТС— 3660000-3669999, 3636400-3637699-АТС,*

*маълумот учун телефон: 366-23-23.*

*45-АТС — 3950000-3959999, 3930000-3930999, 3934400-3934423-АТС,*

*маълумот учун телефонлар: 395-99-99, 45-23-23.*

*22/23, 50, 54/55, 79, 40-АТСлари амалда бўлган ҳудудлар ҳамда Охунбобоев, «Ўзбеколтин», 7-Қўйлиқ мавзеларида истиқомат қилувчи аҳоли учун қуйидаги рақамлардан иборат рақамли телефон станцияларининг қўшимча қувватлари жорий этилди:*

*22/23-АТС— 1236600-1237357, 1238000-1238999, 1128000-1129999, 1125600-1125841.*

*50-АТС — 3637700-3639799.*

*54/55-АТС — 3613000-3616099.*

*40-АТС — 3932300-3934399.*

*«Ўзбеколтин» — 1928000-1929999.*

*Охунбобоев — 3936000-3938099.*

*7-Қўйлиқ — 1925000-1925999, 1927024-1927047.*

*Рақамли электрон АТСлари мулоқот учун барча шарт-шароитлар яратувчи интеллектуал хизматларнинг қўшимча турларини танлаш имкониятини беради. Қўшимча хизматларга телефон тармоғидаги маркетинг бўлимида буюртма бериш мумкин.*

*Электрон АТСлари хизматлари учун тўлов 125-1/1 ва 125-1/7 прейскурантлари тарифларига асосан амалга оширилади.*

*Аҳоли учун:*

*— бир ойлик абонент тўлови — 665 сўм;*

*— кирувчи сўзлашувлар учун тўлов кўзда тутилмаган;*

*— барча тоифадаги фойдаланувчиларга ҳар ойда чиқувчи сўзлашув бўйича чегараланган 180 дақиқадан ортиқ тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган дақиқа учун тўлов — 2,2 сўм;*

*— шаҳарлараро ва халқаро алоқа учун тўлов белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.*

*Алоқа хизматлари учун тўловлар амалга оширилаётганда Сиз, ҳурматли абонентлар, очиқлик ва шаффофлик устувор бўлган ҳисоб-китоблар автоматик тизимидан фойдаланасиз.*

*Телефон алоқаси учун тўловлар хизмат кўрсатилгандан сўнг ёки дастлаб аванс тўлови киритилиши орқали амалга оширилиши мумкин.*

*Алоқа хизмати кўрсатилгандан сўнг тўлов қуйидагича амалга оширилади:*

*— абонент тўлови бўйича жорий ой давомида,*

*— маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро сўзлашувлар учун тўловлар бўйича тўлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган муддатларда, 15 ва 30 кунларгача бўлган ҳисобот ойидан сўнг.*

*Телефонлар кутилмаганда узиб қўйилишининг олдини олиш учун барча абонентлардан тўлов муддатларига эътиборли бўлишлари лозимлигини эслатиб ўтамиз.*

*Дастлабки аванс тўловлари асосий ва қўшимча алоқа хизматлари учун киритилади. Дастлабки аванс тўловлари киритилишида кўрсатилган телефон хизматлари учун ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибдаги дастлабки тўлов маблағлари ҳисобига амалга оширилади:*

*1. Телефон аппарати учун абонент тўлови.*

*2. Ҳар ойига 180 дақиқадан иборат чегараланган сўзлашувлардан ташқари тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган дақиқа учун тўлов.*

*3. Қўшимча хизмат кўрсатиш турлари учун тўлов.*

*4. Махсус хизматлардан фойдаланилгани учун тўлов (маълумотнома):*

*09 — ташкилотлар телефонлари бўйича маълумотнома — 25 сўм*

*009 — хонадонлар телефонлари бўйича маълумотнома — 25 сўм*

*001 — об-ҳаво маълумотномаси — 20 сўм*

*004 — аниқ вақт маълумотномаси —20 сўм*

*064 — TShTT фаолияти бўйича маълумотнома — бепул.*

*5. Барча абонентлар учун очиқ бўлган бошқа телекоммуникация хизматлари мавжуд: интеллектуал, Интернетга паролсиз кириш, информацион ресурсларга кириш хизматлари ва ҳоказо.*

*Кўрсатилган хизматлар учун тарифлар ошишида ҳисоб-китоблар автоматик тизими Сиз, абонентларнинг эски тарифлар бўйича ҳисобингизда бўлган қолдиқ маблағлардан кўрсатилган хизматлар нархини чегиради.*

*Пул маблағлари тугагандан сўнг хизматлар учун тўловлар янги тарифлар бўйича амалга оширилади.*

*Шундан келиб чиққан ҳолда эслатиб ўтамизки, алоқа хизматлари учун аванс тўловлари тизими ҳар томонлама қулайдир.*

*Ҳисоб-китоблар автоматик тизими Сизнинг вақтингизни ҳамда пул маблағларингизни тежайди ва алоқа корхонаси билан ўзаро муносабатларингизда равшанликни таъминлайди.*

**TShTT филиали маркетинг ва тарифлар бўлими. Телефон 55-77-17.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
газеталари таҳририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

## "RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR FILIALI"

**Харидорларни марказлаштирилган электрон биржа савдолари ҳамда кимошди савдоларига ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!**

Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

2006 йилнинг 6 декабридан бошлаб биржа савдоларига:

Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментига қарашли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган "POYTAXT TA'MINOT" давлат унитар корхонаси қўйилмоқда.

**Бошланғич нархи — 53 555 355 сўм.**

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 156-уй манзилида жойлашган умумий майдони 2300 кв.м.га тенг бўлган "IPAK YO'LI IMPEKS" бозори ОТАЖга тегишли 10 та бино ва иншоотлар (А, Б, Б1-В,Г, Д, Е, Ж, И, К — блоклари) мол-мулклари билан.

**Бошланғич нархи — 606 959 506 сўм.**

**"Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali"нинг навбатдаги кимошди савдолари 2006 йилнинг 7,9,11,14,16,18,21,23,25 ва 28 февраль кунлари ўтказилади.**

Кимошди савдоларига, "Ўзбекистон шампани" очиқ акциядорлик жамияти балансидаги 1955-1970 йиллар орасида ишлаб чиқарилган жами 100 дона бўлган Е-1500 русумли цистерналар қўйилмоқда;

**Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.**

Кимошди савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан 2 соат аввал тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосидан 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланади.

Кимошди савдолари соат 11-00 да бошланади.

Биржа ва кимошди савдоларига қўйилган объектлар ва мулклар эгаси бўлишни истасангиз қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хоналар.**

**Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72, 144-44-73.**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Дард ўзи шаҳд агар заҳар эрур,**
**Бадр кавокиб аро анвар эрур.**
**Ўз еридин алар қилса интиқол,**
**Иккиси ҳам ўлгуси пажмурда ҳол.**

**Сайфи САРОЙИ**

Ейиладиган овқатлар тоза ва соф бўлмоғи керак. Масалан, офат етмаган тоза буғдой, шу буғдой унидан қилинган овқатлар, гўшт эса соғлом ҳайвон гўшти бўлиши билан бирга яхши пиширилиши, шарбатлар мижозга мос бўлиши, узум ва анжир каби мевалар эса яхши пишган бўлиши лозим.

Камолиддин Исмоил Бухорийнинг тиб китобида ёзилишича, кишининг қорни тўқ бўлса-ю бошқа овқат олдига келтириб қўйилса, ундан асло емаслиги керак. Бундан ташқари қаттиқ ва оғир меҳнатдан кейин нозик овқатлардан, сут ёки балиққа ўхшаган нарсалардан еб бўлмайди. Чунки бу пайтда ошқозон ниҳоятда қизиб кетган бўлади ва унга тушган нозик овқатлар қизиб кетиб, тезда бузилади. Ошқозонда иссиқлик ўрнаб қолганда кишилар совуқ овқатлардан танаввул қилишлари, масалан, ғўр узум ёки ошқовоқ ейишлари керак.

**Муҳаммад ибн Муҳаммад АЛ-ЖОМИЙ**

**Кўп ейиш очликдан зиён,**
**Сув оз-оздан ичилса фойда.**
**Озга қаноат қилмаган кўпга етмайди.**

**«ОТАЛАР СЎЗИ».**

Овқатларни бир-бирига аралаштириб еб бўлмайди. Масалан, қатиқни ғўр узум суви билан, барча турдаги овқатлардан кейин эса ўрик ва шафтоли еб бўлмайди. Ғўр узум билан балиқни, сирка билан саримсоқни, пиёз билан саримсоқ пиёзни — буларни ҳам аралаштириб еб бўлмайди. Барча мева турларидан кейин эса совуқ сув ичиш мумкин эмас. Бундан ташқари асал билан қовунни, товуқ гўшти билан балиқни, саримсоқ, боқла, айрон, қатиқни ҳам аралаштириб еб бўлмайди.

**Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ**

Кишининг топган овқати ҳалол ва покиза бўлса-да бироқ ундан кўп еса, қуйидаги зарарлар ҳосил бўлади:

Биринчи, кўп ейишда одамда эзилиш, баъзан ўлим ҳосил бўлади. Кишида фикр ботил бўлади. Ҳакимларнинг айтишича, меъда қозонга ўхшайди ва у доим юрак остида қайнаб жўшиб туради. Ундан чиққан ҳарорат ва буғ юракка таъсир қилиб, унда бузилиш пайдо бўлади.

Бошқаларнинг айтишича, мия гўёки бир уй бўлиб, ақл эса уни ёритувчи чироғидир. Меъдадан ҳосил бўлувчи буғ кучи мияга боргач, ақл чироғининг нурини пасайтиради.

Иккинчи, одам кўп ейиш, кўп овқатланишга ўргангани сари унда овқатга бўлган ҳирс ошаверади. Шунинг учун устод Абу Жаъфар: «Ошқозон ажаб аъзодирки, оч қўйган саринг тўқлиги ошади, тўйдирган саринг очлиги кўпаяди» деган эди.

Учинчи, кўп ейишдан ваҳима ва касаллик кўпайиб, фаҳму-фаросат пасаяди. Шунинг учун олимлар: «Кўп ейиш зийраклик ва доноликни йўқотади» дейдилар. Бошқа тоифа табиблар эса: «Кўп ейиш ақлни ёмонлик томон ўзгартиришдир» дейишади.

Тўртинчи: кўп ейиш тан оғирлашишига сабаб бўлади, бадан сустлашади, бундай ҳолатда уйқусизликдан қутулиб бўлмайди. Шунинг учун «Кўп едингми, ўзингни қотган ҳисобла!» деган эди баъзи донолар.

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

Овқат ейишдан аввал қўлни, оғизни ювмоқ лозим. Ёғли қўл билан либосни ва дастурхонни ифлос қилишдан эҳтиёт бўлиш керак. Оғизни катта очмаслик ва луқмани катта олмаслик керак. Овқатни тез ютиш ва оғизда узоқ тутиш ноўрин. Бармоқни овқатдан қўл тортмасдан аввал яламаслик керак. Дастурхондаги ҳар хил овқатларга қарайвермаслик, овқатни ҳидламаслик ва тишлаб кўрмаслик керак.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

Билгилки, барча овқатларни тури ейилиш қоидасига қараб фойда ёки зарардан холи бўлмайди. «Ажойиб ал-махлуқот» китобида ёзилишича, иллат пайдо бўлишининг сабаби киши ўз мижозига ёқмайдиган овқатни ейишда, барча дардларнинг боши эса мижозга ёқмайдиган овқат ейишдадир. Кам овқат ейиш билан даволаниш барча овқатлардан афзалдир.

**Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ**

Еб-ичиш қоидаларидан бири шуки, дастурхон атрофига ўтиришдан аввал, қўлни ювмоқ керак.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

Овқат ейишдан аввал уй эгаси биринчи бўлиб қўл ювади. Овқатдан кейин эса барчадан кейин ювади. Бундай қилишнинг сабаби шуки, кечиккан ёки тасодифан келиб қолган киши билан овқат ейишни давом эттиради. Токи янги келган киши уялиб қолмасин. Аммо қўлга уй эгасининг ўзи сув қуймоғи ва меҳмон биродарларига ўзи хизмат қилмоғи керак.

**Маҳмуд ибн МУҲАММАД**

Ақл ва фаҳм хонининг соҳибалари ва ахлоқ дастурхонининг лаззатшунослари шундай айтадиларки, агар икки рафиқ дастурхон устида шерик бўлсалар, одамият ва инсоният одобининг тақозосига кўра, овқатга бир-бировидан аввал қўл узатишга шошилмаслиги ва бир-бирига таклиф ва илтифот юзасидан йўл тутсинлар. Монанди ит ва тўнғиз ҳамда бошқа ҳайвонлар каби ўзини овқатга отмасликлари керак. Кимки ёш жиҳатидан кичик бўлса, ёши каттароғи овқатга қўл узатмагунча сабр қилмоғи лозимки, бу зарур ахлоқ қоидаларидан ҳисобланади.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

Овқатни кичик-кичик олиш, оғизни ўнг томонида чайнаш, овқат билан бирга қўлни оғизга тиқмаслик керак. Овқатни яхшилаб чайнаб ютгандан сўнггина бошқа луқма учун қўл узатиш лозим. Овқат фақат ўз олдидангина олинади. Таом ейилаётган пайтда киши ўз олдига қараб ўтириши, ўзгаларнинг олиши ва ейишига қаралмайди. Овқатни иссиқ ҳолда емаслик, уни пуфламаслик лозим. Чунки пуфлаганда оғиздан тупук чиқиб, овқатга тушиши мумкин. Таом ейиш асносида яхши кишилар ва яхши ишлар ҳақида гаплашиб ўтириш керак.

**Маҳмуд ибн МУҲАММАД**

Қўл билан овқатдан олаётган пайтда чап қўлни овқат олаётган қўлни тагига тутиш, дон ёки ёғнинг ерга тўкилишининг олдини олишга интилиши, кишининг кўнглини айнитадиган овқат ёки ишлар ҳақида зикр қилмаслик керак. Косадан овқат ичаётганда овозини чиқармаслик, лаган остига нон қўймаслик керак.

**Маҳмуд ибн МУҲАММАД**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.**





*Олтин куздан, зумрад баҳордан қолишмайди қишнинг зийнати.*

**Наталья Семёнова ва Александр Безручко олган суратлар.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**АЗАЛ-АЗАЛДАН ОТА-БОБОЛАРИМИЗ МЕҲРГА ТАШНА, ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ИНСОНЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШНИ, УЛАРГА МОДДИЙ, МАЪНАВИЙ КЎМАК БЕРИШНИ ЎЗЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ ДЕБ БИЛИШГАН. АСЛИДА ҲАМ ЎЗБЕК ХАЛҚИ САХОВАТЛИ, ҚАЛБИ ЭЗГУЛИК БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ХАЛҚ.**

Истиқлол шарофати туфайли эса ногиронлар ижтимоий муҳофазасига жиддий эътибор берилаётгани қувонарли ҳол. Қувонарли томони шундаки, юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилидаёқ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган ва ушбу муҳим ҳужжат ҳозирда саховатга ташна инсонлар манфаатига хизмат қилмоқда. Дарвоқе, ўтган 14 йил мобайнида ногиронлик масалалари билан шуғулланувчи давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари сони анча кўпайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ва унинг жойлардаги бўлимлари, Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти, Тошкент шаҳар «КРИДИ» жамияти, Тошкент шаҳар Ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат, «Умидворлик» имконияти чекланган болалар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан ногиронликнинг долзарб масалаларини ҳал этиш йўлида бажарилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, ногиронлик муаммоларини ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган ишларга муносиб улуш қўшиш мақсадида ўтган йилнинг январь ойида Европа Иттифоқи комиссияси кўмаги билан «Институционал ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик. Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» дастури доирасида фаолият бошлаган Ногиронлик масалалари бўйича ахборот манбалар маркази хайрли ишга қўл урди. Яъни мамлакатимизда моддий, маънавий кўмакка муҳтож кишилар учун тенг имкониятлар тамойилларига амал қилишни таъминлаш, шаҳримизда, вилоятларда ногиронлик масалалари бўйича ахборот пунктлари тармоғини яратиш, шунингдек, ижтимоий муҳофаза билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг тажриба алмашинуви ва ҳамкорликларини янада ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида алоҳида эҳтиёжли кишилар учун фаолият юритувчи муассаса ва ташкилотлар маълумотномаси» деб номланган китобни нашр этди. «Haddicap international» Франция нотижорат ассоциацияси, «STATYS» орқа мия ногиронларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази, «Умидворлик» имконияти чекланган болалар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорликларида нашр этилган ушбу китобдан тўлиқ ахборот манбаалар тармоғи ўрин олган. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу китобда ногиронлик масалалари билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг рўйхати, ижтимоий муҳофаза борасида яратилган китоблар, қўлланмалар, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалар, видеоматериаллар ўз аксини топган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб саховатга ташна қалблар учун қулайлик яратиш мақсадида хайрли иш бошлаган Ногиронлик масалалари бўйича ахборот манбаалар маркази ташаббуси билан Интернет тармоғида янги сайт ташкил этилди. Шаҳримизда куни кеча давлат муассасалари, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Германия, Италия, Қозоғистон, Россия, Франциядан ташриф буюрган ногиронлар жамиятлари раислари, мутахассислар иштирокида «Алоҳида эҳтиёжли кишиларнинг жамиятга интеграциялашувининг долзарб масалалари» мавзуида ўз ишини якунлаган халқаро конференция ҳам мамлакатимизда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол далилидир.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**ШАҲРИМИЗДАГИ "ДИНАМО" ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СПОРТ КЛУБИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ КЛУБЛАРИ ЎРТАСИДА "ДИНАМО" РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ СПАРТАКИАДАСИ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА САМБО БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.**

*Самбо*

# КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Икки кун давом этган мусобақаларда 52, 57, 62, 68, 74, 82, 90 килограммгача ва 90 килограммдан ортиқ вазн тоифаларида самбочилар ғалаба учун кураш олиб боришди.

Турнир баҳслари, айниқса ярим финал ва финалга чиқиш учун ўтказилган учрашувлар кескин ва муросасизлиги билан алоҳида ажралиб турди. Таъкидлаш жоизки, 74, 82, 90 килограммгача ва ундан ортиқ вазндаги курашчиларнинг финал баҳслари жуда шиддатли, қизиқарли, чиройли усулларга бой тарзда ўтди.

Шундай қилиб, ҳал қилувчи баҳслардан сўнг қуйидаги самбочилар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилишди: 52 килограммгача вазнда О.Олимов (ИИВ академияси), 57 килограммгача полвонлар ўртасида Ф.Нарзиев (ИИВ академияси), 62 килограммгача вазнда Ф.Маматов (МХХ), 68 килограммгача самбочилар баҳсида Ш.Декамбоев (ГУКВ). Яна икки вазнда республика Ички ишлар вазирлиги академияси вакиллари Д.Муҳидов ва Қурбоновлар зафар қучишди. 82 килограммгача вазнда эса шаҳар Ички ишлар бош бошқармасидан Ш.Аҳметовга омад кулиб боқди.

Умумжамоа ҳисобида ИИВ академияси вакиллари биринчи ўринга кўтарилишди.

**(Ўз мухбиримиз)**




**СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.**
**Алексей Попов олган суратлар.**

*Мунажжим башорати*

# АЖОЙИБ УЙҒУНЛИК КУНИ

**6 ЯНВАРЬ, ЖУМА**

**Ҳа, бугунги кун мунажжимларимиз томонидан шундай ажойиб ва фаоллик куни сифатида тавсифланган. Лекин, айни пайтда улар сизни ортиқча ва нокерак ҳаракатлардан огоҳлантиришни ҳам унутишмайди. У-бу нарсаларга учиб, уларни сотиб олишдан тийилиш маслаҳат берилади.**

Одатий нарсалардан қониқмай, ҳеч бўлмаганда арзимас майда-чуйдаларни қўлга киритишни истовчилар ҳам бўлади. Аммо кун воқеа-ҳодисалари, уйдаги ва ишдаги турли вазиятлар ҳаётда қандайдир катта ўзгаришларни тайёрлаётган бўлиши мумкинлигини ёдда тутиш керак бўлади. Олдиндаги истиқболни аниқроқ кўра билиш учун атрофга жиддий назар ташлаш, бугунги ғалаба ёки мағлубиятларни таҳлил этишга уриниб кўриш даркор.

Сайёраларнинг ўзаро жойлашув тартиби муаммоларни барча томонларни қониқтирадиган тарзда ҳал этиш имконини беради. Бунда бенуқсонлик, қўрқмаслик, тиришқоқлик фазилатлари ёрдам беради. Инсон идроки ақлий жасоратларга ҳамиша қодир.

Лекин бировлар кўнглини оғритиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Бошқаларнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўриб, нозиктаъб кишилар билан юмшоқ муомалада бўлинг. Айниқса раҳбар бўлсангиз ёки кўпчилик билан ишлайдиган бўлсангиз – одамлар билан албатта хушмуомала бўлишга ҳаракат қилинг. Зеро, бугунги кун тавба ва покланиш куни ҳисобланади.

Бугун хонаки шароитда укроп ва бошқа кўкатлар уруғини сепиш, хонаки ўсимликларни кўчириб ўтқазиш яхши самара беради. Бугун ва эртага гулларни кесиш ҳам мумкин.

Чарм ёки ёғоч буюмни топиб олиш бугун омадингиз келишини билдиради. Кун бўйи сизни мусиқа, қўшиқ оҳанглари таъқиб этиши ҳам яхшилик аломати ҳисобланади. Бирон нарсани йўқотиш эса, нохушлик белгисидир - яъни касаллик ёки катта хатодан огоҳлантиришдир.

Агар тушларингиз аниқ, лўнда ва тушунарли бўлсагина уларга эътибор қилишга арзийди. Тушда овқатланиш ёки таом пишириш - фаровонликка ишора. Кийим ёки бош кийимни ўзингизга ўлчаб турган ҳолатни кўришингиз – кутилмаган пул қўлингизга киришини билдиради.

Ўз қўлингиз билан тайёрланган таом бугун жуда фойдали бўлади (бугун овқатлар танада тўла ҳазм бўлади). Ширинликлар ҳам бугун зарар қилмайди. Лекин спиртли ичимликлардан бугун ҳам воз кечишга тўғри келади. Суюқликни кўп истеъмол қилманг, жарроҳлик операцияларини кейинга сурганингиз маъқул.

Тўқ қизил ва тўқ кўк рангли кийимлар бугунги кун руҳига кўпроқ мос бўлиб, сабзаранг ва айниқса сариқ-яшил аралаш ранглардан узоқроқ юринг.

**БУГУН:**

— сафарлар,саёҳатларга йўл олиш, янги уй ёки янги офисга кўчиб ўтиш;

— бирон ишга қўл уришдан олдин уни яхшилаб ўйлаб олиш, аммо бир қарорга келгандан кейин уни дарҳол бажариш;

— пишиқ-пухта иш қилиш;

— ҳатто рақибларингиз ва рақобатчиларингизга нисбатан ҳам ҳайриҳоҳ бўлиш;

— виждон ва адолат билан иш кўриш тавсия этилади.

Кимёвий дорилар, санчиладиган ёки кескир буюмлар билан муомалада техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш, танангизнинг ҳаддан ташқари совиб кетишига йўл қўйиш, саломатлигингизга лоқайд қараш, куч ва маблағларингизни аяб иш кўришдан тийилинг.

*Бўш вақтингизда*

# КРОССВОРД

**Ёйлар бўйича**: 1.Европа қитъасида жойлашган, Янги йил куни оила бошлиғи уйга «тинчлик, бахт ва саломатлик» рамзи сифатида бир қучоқ похол олиб келадиган одат ҳукм сурган мамлакат. 2.Шарқона Янги йил бошланадиган, шамсия йил ҳисобидаги йилнинг биринчи ойи. 3.Аввал таом, баъдаз...(Мақол). 4.Шеърият анжумани. 5.Мева ва шакардан тайёрланадиган ширинлик. 6.Қуруқ, сермой кузпишар мева. 7.Телевизор қисми. 8.Икки торли, пардасиз чертиб чалинадиган миллий мусиқа асбоби. 9.Оммавий айём сайилларида ўтказиладиган чавандозлик мусобақаси. 10.Юк ташиш анжоми. 11.Туркиянинг ғарбидаги вилоят маркази. 12.Тик ўсувчи доим яшил игна дарахт. 13. Кўриниш тасвири, рассомлик асари тури. 14.Мучал йили. 15.Тараф-тараф бўлиб ижро қилинадиган терма қўшиқ. 16.Янги йил элчиси. 17.Баъзи турлари зийнат, яна бир тури меваси учун ўстириладиган бута ўсимлиги. 18.Ўзгалар учун намуна бўладиган воқеа, иш-ҳаракат. 19.Ватанимизда амал қилинаётган иқтисодиёт. 20.Ўзбек халқ оммавий қўшиқларидан бири. 21. Янги йил апрель ойининг бошларида экинлар йиғиб олингандан сўнг нишонланадиган Осиё жанубидаги оролда жойлашган давлат пойтахти. 22.Ёритгич. 23.Қишлоқ хўжалигига асосланган мамлакат. 24.Ҳафта куни.



**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 22 декабрь сонида берилган КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Энига:** 5.Баскетбол. 8.Душанба. 9.Латофат. 10.Оқтош. 12.Граната. 15.Синдих. 20.Шкаф. 21.Тамаки. 22.Талаба. 23.Пода. 24.Този. 25.Манғит. 27. Хоразм. 29. Озон. 30.Депо. 31.Уйғун. 32. Кашмир. 35. Шашка. 38. Жомакор. 39.Икромий. 40.Шожалилов.

**Бўйига:** 1.Обкаш. 2.Октава. 3.Втулка. 4.Олмош. 6.Мушоира. 7.Радикал. 11.Қорасарой. 13.Расадхона. 14.Таксометр. 16.Дорбозлик. 17.Криптон. 18.Ифтихор. 26.Ғофуров. 28.Рудакий. 33.Шарбат. 34.Исириқ. 36.Бахши. 37.Чорва.


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-308

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5218 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1234 . 6